

Брифинг: «Ўзкимёсаноат» АЖда 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар

// 30.06.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/dd65fa11-4c62-45f7-a405-b6e8b5eb41ce>

Ҳисобот даврида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Президент фармон ва қарорлари, Ҳукумат топшириқлари, ички меъёрий ҳужжатлар, коррупцияга қарши курашиш бўйича йиллик режа ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш дастури асосида тизимли равишда амалга оширилди.

Аввало, коррупцияга қарши ички назорат тизимини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-22-сон Фармони ижроси доирасида «Ўзкимёсаноат» АЖнинг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди. Натижада Бошқарув раисининг компаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони талабларига мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш ва компаенс бошқармасининг низоми ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг намунавий Низоми асосида ходимларнинг лавозим йўриқномалари қайта ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Давлат харидлари соҳасида шаффофлик ва очиқликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Президентимизнинг 2025 йил 26 декабрдаги «Давлат харидлари тизимида рақобат муҳити ва шаффофликни таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларига мувофиқ «Ўзкимёсаноат» АЖнинг Коррупцияга қарши курашиш ва компаенс бошқармасида «давлат хариди бўйича бош мутахассис» лавозими жорий этилди.

Шу билан бирга, Давлат харидлари операцияларини назорат қилишни такомиллаштириш мақсадида «Ўзкимёсаноат» АЖнинг «Харидлар тўғрисида»ги Низоми ва «Контрагентларни текшириш тўғрисида»ги йўриқномаси янги таҳрирда ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Ҳисобот даврида давлат харидлари соҳасида ўтказилган назорат тадбирлари доирасида «Аммофос-Махам» АЖда 2024–2026 йилларда амалга оширилган қарийб 7 миллиард сўмлик давлат харидлари ўрганилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича хизмат текширувлари ўтказилиб, натижада 3 нафар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинди, 4 нафар ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Шунингдек, йўл қўйилган камчиликлар натижасида етказилган 156 миллион сўм зарар контрагент ҳисобидан қопланиши таъминланди ҳамда 1 миллиард 200 миллион сўм маблағнинг самарасиз сарфланишининг олди олинди.

Давлат харидларида коррупция хавфларини камайитириш мақсадида ҳисобот даврида тузилган 598 та хўжалик шартномасининг барчасига коррупцияга қарши курашишга оид махсус шартлар киритилди.

Кадрлар билан ишлаш жараёнларида ҳам шаффофликни таъминлаш чоралари кўрилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида «Ўзкимёсаноат» АЖ ва тармоқ корхоналарига ишга қабул қилинган 13 нафар янги ходим белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиб, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари кўрилди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 30 декабрдаги «Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талабларига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлиги баҳоланишини таъминлаш мақсадида, 2026 йил 1-ярим йилигида 7 та йўналиш ва 36 та махсус индикатор бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотлар шакллантирилди ва «E-Antikor.uz» электрон платформасига киритиш чоралари кўрилмоқда.

Мурожаатлар билан ишлаш соҳасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Ҳисобот даврида Жамият ва тармоқ корхоналарининг ишонч алоқа каналлари орқали жисмоний ва юридик шахслардан жами 72 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 6 таси коррупцияга оид бўлиб, ҳар бири белгиланган тартибда кўриб чиқилди ва мурожаатчиларга қонунчиликда белгиланган тартибда жавоблар берилди.

Хулоса қилиб айтганда, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида «Ўзкимёсаноат» АЖда коррупциянинг олдини олиш, давлат харидларида шаффофликни таъминлаш, ички назорат механизмларини такомиллаштириш ва комплаенс маданиятини юксалтириш бўйича қатор амалий ишлар бажарилди. Ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.